

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2025 йил апрель ойининг 9 куни Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати ўз биносида, **очик** суд мажлисида, раислик қилувчи вилоят судининг судьяси Т.Алмаматов, ҳайъат судьялари Ф.Саматов ва З.Тўраевдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси К.Каюмовнинг котиблигида, тарафлардан Самарқанд вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори Б.Султонов, судланган С/1, С/2 ва С/3 ҳамда уларнинг ҳимоячиси – адвокат О.Джураев, жабрланувчи Ж.Ж ва унинг ҳимоячиси – адвокат Д.Нуралиевнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Пастдарғом туман судининг 2023 йил 26 декабрдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 138-моддаси 2-қисмининг “а” банди ва 277-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан судланган

1961 йил 9 июнда Пастдарғом туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 5 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, пенсионер, Пастдарғом тумани “Тулистон” маҳалласида яшайди, иш бўйича “муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган С/1 ();

ЖК 138-моддаси 2-қисмининг “а” банди ва 277-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан судланган

1986 йил 7 октябрда Пастдарғом туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт бирлашмасида ҳамшира бўлиб ишлайди, Пастдарғом тумани “Олтиқаҳрамон” маҳалласида яшайди, иш бўйича “шахсий кафиллик” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган С/2 ();

ЖК 138-моддаси 2-қисмининг “а” банди ва 277-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан судланган

1994 йил 15 июнда Пастдарғом туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Пастдарғом тумани “Тулистон” маҳалласида яшайди, иш бўйича “муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган С/3 қизи ()га

нисбатан чиқарилган ҳукми ва Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 7 февралдаги ажрими устидан Самарқанд вилоят прокурори ўринбосарининг протестига асосан жиноят ишини тафтиш тартибда кўриб чиқиб, қуйидагиларни



А Н И Қ Л А Д И :

С/1га Ўзбекистон Республикаси ЖК 138-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан ЖК 57-моддасини қўллаб, 1 йил муддатга озодликни чеклаш, ЖК 277-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан 1 йил муддатга озодликни чеклаш, ЖК 59-моддаси тартибида, узил-кесил 1 йил 6 ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

С/2га Ўзбекистон Республикаси ЖК 138-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан 3 йил муддатга озодликни чеклаш, ЖК 277-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан 2 йил муддатга озодликни чеклаш, ЖК 59-моддаси тартибида, узил-кесил 3 йил 2 ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

С/3га Ўзбекистон Республикаси ЖК 138-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан 3 йил муддатга озодликни чеклаш, ЖК 277-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан 2 йил муддатга озодликни чеклаш, ЖК 59-моддаси тартибида, узил-кесил 3 йил 2 ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов хайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 7 февралдаги ажрими билан биринчи инстанция судининг ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, С/1, С/2 ва С/3 олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, 2023 йил 14 сентябрь куни соат 14:30 ларда жамоат жойи ҳисобланувчи Пастдарғом тумани “Олтиқаҳрамон” маҳалласи ҳудудида жойлашган 23-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби ҳовлисида, шу мактабда тасвирий санъат фани ўқитувчиси Ж.Жга гўёки у яқин қариндоши Ғ.Алиқуловни жазмани эканлигини айтиб, уни шаъни ва кадр қимматини қасддан камситиш мақсадида, мактабга келган ўқувчи ва ўқитувчиларнинг кўз ўнгида, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, жисмоний азоб бериб, Ж.Жни оёғини арқон билан боғлаб, ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиб, унинг эғнида бўлган кийимларини йиртиб, яланғоч ҳолатга келтириб, уриб дўппослаб, қасддан унга тан жароҳати етказишган.

Протестда, биринчи инстанция суди томонидан судланувчиларнинг қилмишини ЖК 277-моддаси билан малакалашда, уларнинг ҳаракатидаги барча квалификация белгилари инобатга олинмасдан, ЖПК 416-моддасига асосан ажрим чиқарилиб, айбловни тўлдириш билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни ўтказиш учун топшириш чоралари кўрилмагани, иш бўйича жабрланувчининг даъвоси бўлса-да, асосиз равишда С/3га ЖК 57-моддаси қўлланилгани ҳамда барча судланувчиларга бир қадар енгил жазо тайинлангани, ҳукм чиқариш вақтида ашёвий далиллар масаласи ҳал этилмагани ҳақида важлар келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 514-моддасида, агар шикоятда ёки протестда оғирроқ жиноят тўғрисидаги қонунни қўллаш зарурлиги ҳақидаги, жазони кучайтириш тўғрисидаги ёки маҳкумнинг аҳволи ёмонлашишига олиб келадиган бошқа ўзгаришлар ҳақидаги масала қўйилган бўлса, суднинг айблов ҳукмини ёхуд ажримини тафтиш тартибида қайта кўриб чиқишга, шунингдек суднинг оқлов ҳукмини ёки ишни тугатиш тўғрисидаги ажримини тафтиш



тартибида қайта кўриб чиқишга фақат у қонуний кучга кирганидан кейин бир йил ичида йўл қўйилиши белгиланган.

Олий суд Пленумининг 2024 йил 25 июндаги “Судлар томонидан жиноят ишларини тафтиш тартибида кўриб чиқишнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 18-сонли қарорининг 4-банди 2-қисмида, агар шикоят (хусусий шикоят)да, протест (хусусий протест)да оғирроқ жиноят тўғрисидаги қонунни қўллаш зарурлиги, жазони кучайтириш тўғрисида ёки маҳкумнинг аҳволи ёмонлашишига олиб келадиган бошқа ўзгартиришлар (маҳкумни ўта хавфли рецидивист деб топиш, жазони ижро этиш колониясининг қаттиқроқ турини белгилаш, шартли ҳукмни бекор қилиш, моддий зарар миқдорини кўпайтириш, башарти бу жиноят квалификацияси ёки айблов мазмуни маҳкумнинг аҳволини оғирлашишига олиб келса ва ҳақозо.), шунингдек, оқлов ҳукмини ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги ажримни бекор қилиш тўғрисидаги масалалар қўйилган бўлса, ишни тафтиш тартибида қайта кўришга устидан шикоят (хусусий шикоят), протест (хусусий протест) берилган ҳукм, ажрим қонуний кучга кирганидан сўнг фақат бир йил ичида йўл қўйилиши;

4-қисмида, агар тафтиш шикояти (хусусий шикояти), протести (хусусий протести) бир йиллик муддат ўтгунга қадар берилган бўлиб, мазкур муддат иш бўйича қарор қабул қилингунга қадар ўтиб кетса, суд уларни қаноатлантирилмасдан қолдириши ва бу ҳақда уни берган шахсга маълум қилиши, бунда бир йиллик муддат тегишли инстанция ҳукми, ажрими қонуний кучга кирган кундан бошлаб, тафтиш инстанцияси суди томонидан қарор қабул қилинган кун қўшилган ҳолда ҳисобланиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Судланган С/1, С/2 ва С/3га оид жиноят иши Самарқанд вилоят прокурори ўринбосарининг протестига асосан вилоят суди тафтиш инстанциясига 2025 йил 16 январь куни келиб тушган ва ишни тафтиш инстанциясида кўриш 2025 йил 30 январь кунига тайинланган.

Мазкур жиноят ишини тафтиш инстанциясида кўриш давомида прокурор Б.Султонов илтимосномасига асосан, тафтиш инстанциясининг 2025 йил 3 февраль кунги ажрими билан судланган С/1, С/2 ва С/3нинг ҳаракатларида ЖК 277-моддаси 2-қисмининг “г” бандида назарда тутилган жиноят таркиби бор-йўқлиги бўйича ЖПК 416-моддаси тартибида айбловни тўлдириш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун Пастдарғом тумани прокурорига топширилган.

Пастдарғом тумани прокуратураси томонидан жиноят иши бўйича тўпланган ҳужжатлар вилоят судига 2025 йил 27 март куни келиб тушган.

Самарқанд вилоят прокурори ўринбосари томонидан оғирроқ жиноят тўғрисидаги қонунни қўллаш ва жазони кучайтириш тўғрисида киритилган протести 1 йиллик муддат ўтгунга қадар берилган бўлса-да, тафтиш инстанцияси суди томонидан иш бўйича қарор қабул қилингунга қадар бир йиллик муддат ўтиб кетганлиги боис, судлов ҳайъати киритилган протестни қаноатлантирилмасдан қолдириб, бу ҳақда вилоят прокуратурасига маълум қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг “Судлар томонидан жиноят ишларини тафтиш тартибида кўриб чиқишнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори 4-бандига амал қилиб, тафтиш инстанцияси суди

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :



Жиноят ишлари бўйича Пастдарғом туман судининг 2023 йил 26 декабрдаги судланган **С/1, С/2** ва **С/3 қизига** нисбатан чиқарилган ҳукми ҳамда Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг уларга нисбатан чиқарилган 2024 йил 7 февралдаги ажрими устидан Самарқанд вилоят прокурори ўринбосарининг протести қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи
Ҳайъат судьялари

(имзо)

(имзо)

(имзо)

Т.Алмаматов

Ф.Саматов

З.Тўраев

Аслига тўғри:

